

ЁЗЁВОН ҚУМ БАРХАНЛАРИ НИМА МАҚСАДДА ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Ёзёвон тумани ҳудудидаги қум барханларидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилмоқда.

Шу муносабат билан Ёзёвон тумани ҳокимлиги Ахборот хизматининг Баёноти ва Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Раддияси эълон қилинган.

Куйида улар билан танишасиз.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги Ахборот хизматининг

БАЁНОТИ

Ижтимоий тармоқларда “Ёзёвон табиат ёдгорлиги йўқоладими?” сарлавҳа остида мақола эълон қилинган.

Мақолани ўқиган кишида Ёзёвон табиий ёдгорлиги ҳудудидаги қум барханлари талон-тарож қилинаётгани, ундаги ноёб ҳайвонлар йўқолиб кетаётгандек фикр уйғонади.

Аслидачি?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 мартағи фармойиши ва Фарғона вилоят ҳокимининг 2012 йил 5 июлдаги 05-30/1786-сонли ер ажратиш ҳақидаги кафолат хатига асосан Ёзёвон табиий ёдгорлиги ҳудудида, “Марказий Фарғона” сув омбори қурилиши учун қум каръери ташкил қилиш мақсадида 2009-2011 йилларда Фарғона вилояти 22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси буюртмасига асосан, “Гидропроект” ОАЖ томонидан Ёзёвон туманидаги жанубий 4 ва 5-қум заҳира манбаларида геологик қидирив ишлари олиб борилиб, аниқланган заҳиралари 2012 йил 16 май кунги Заҳиралар марказий қўмитасининг 18-сонли Протокол билан Марказий Фарғона қум заҳираси 12417.2 минг м3 миқдорда тасдиқланган.

Сув омбори қурилиши ишлари муносабати билан Марказий Фарғона қум заҳира манбаидан фойдаланиш учун “Юггазспецмонтаж” унитар корхонасига 4 ва 5-сонли участкалар учун 04.04.2013 йилда FR 0018 F5 серияли норуда фойдалари қазилмалари ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар берилган. Ҳозирда сув омборини қуриш ишлари “Ўзгидротехник” МЧЖ томонидан давом эттириб келинмоқда.

Шунингдек, жамият томонидан 4 ва 5-сонли участкаларда (жами 100 га ер майдонида) қум қазиш ишлари олиб бориш учун Давлат геология қўмитаси томонидан 2019 йил 22 октябрдаги FR 0108 F5 серияли лицензия берилган бўлиб, унинг амал қилиш мuddати 2022 йил 20 июль кунига қадар белгиланган (сурати илова қилинади).

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 2019 йил 24 июлда сув омбори учун бу ҳудуддан қум олишга ҳулоса берилган. (сурати илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 7 марта “Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш баёни”нинг 29-бандида Фарғона вилоятидаги сув омбори қурилишини жорий йилда якунлаш мақсадида Ёзёвон туманидаги 5-сонли қум каръеридан фойдаланиш масаласини ҳал этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш ва Ёзёвон ўрмон бўлимидан қум олишга Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси рози бўлса, ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси эътиroz билдирилмаслигини маълум қилган.

“Марказий Фарғона” сув омбори стратегик обьект бўлиб, Олтиариқ, Бувайда, Боғдод, Учкўприк ҳамда Намангандар вилоятининг Поп туманларида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда жуда катта ўрин эгаллайди. Мамлакат миқёсидаги бу сув омбори қурилиши Ёзёвон табиат ёдгорлигига ҳеч қандай хавф солмаслигига ҳукумат қарори, нуфузли қўмиталарнинг лицензия ва хулоғадан ҳам билса бўлади.

ЁЗЁВОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

*** *** ***

Ёзёвон туманидаги қум каръери бўйича оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан берилган РАДДИЯ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008йил 25 сентябрдаги 214-17-сонли маҳсус қарорига мувофиқ, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги “Иншоот” қурилиши ишлари бошланган. Лойиха смета ҳужжатлари “Гидропроект”АЖ томонидан тайёрлаган бўлиб, Давлат экспертиза хulosалари олинган.

Сув омбори қурилишида асосий қурилиш элементи тўғон ҳисобланиб, тўғон кўтариш ишлари учун қум тўлиқлигича ҳудудда жойлашган атроф ерлардан олиниши кўрсатилган. Лойиха қидирув ишлари жараёнида ушбу участкалардаги қумнинг гранулометрик таркиби физик ва кимёвий хоссалари ўрганилиб, лойиха смета ҳужжатларига Ёзёвон тумани Давлат заҳирасидаги қишлоқ ҳўжалик харитасининг 2-контурида жойлашган 5-қум каръери фойдаланиш кўзда тутилган.

2008-йил қурилиш бошланган давридан 2018-йилгача обьектда “Юггазспецмонтаж” УК бош пудратчи сифатида қурилиш-монтаж ишларини бажарган ва каръерлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия орқали фойдаланиб келган.

2018 йил 28 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус баённомасига асосан обьектда бош пудратчи қилиб “Узгидротехник”МЧЖ (номи ўзгарган Ёзёвон маҳсус сув қурилиш” ДУК) тайинланган.

Ушбу қарорга асосан, “Иншоот” қурилиши учун зарур бўлган қум каръери берилishi бўйича Ёзёвон тумани ҳокимининг 2019 йил 18 апрелдаги №96-сонли, Фарғона вилояти ҳокимининг 2019 йил 16 майдаги №01-25/2109-сонли кафолат хатлари олиниб, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасидан 2019 йил 22 октябр куни FR №0108-сонли каръердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олинган. Ер қари участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2019 йил 24 июль кунги №01-01/10-08-1574-сонли Давлат экологик экспертиза хulosалари олинган.

Экологик экспертиза хulosаларида каръердан фойдаланиш даврида бир қанча талабларга амал қилиш бўйича кўрсатмалар берилган. Бугунги кунда обьект қурилиши учун ушбу каръерлардан фойдаланиш жараёнида юқоридаги талабларга, ҳайвонот ва набодот оламига зарар етказмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-15 10:48:32